

**“НЕУВИТТ” БЎЙИЧА ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ
ЦЕФАЛОМЕТРИК КЎРСАТГИЧЛАРИ**

Муртазаев С.С., Кўчқарова М.К.

Тошкент давлат стоматология институти, доцент ва ассистент, Ўзбекистон,
Saidmurodtma@mail.ru

**ЦЕФАЛОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ УЗБЕКИСКОЙ ПОПУЛЯЦИИ ПО “
НЕУВИТТ”.**

Муртазаев С.С., Кучкарова М.К.

*Ташкентский государственный стоматологический институт, доцент и
ассистент, Узбекистан. Saidmurodtma@mail.ru*

Аннотация. 18-30 ёшгача булган 71 та(40та эркак ва 31та аёллар) Ўзбек популяциясининг нормал физиологик прикусли вакилларида фронтал телерентгенограммасининг “Неувитт” бўйича цефалометрик кўрсаткичлари аниқланди. Цефалометрик кўрсаткичларни аниқлашда автор таклиф қилган краниофациал триангуляция комплексидан фойдаландик. Бу комплекс ёрдамида юз-жағ соҳасининг симметриклигини баҳолашда, трансверзал анамалияларни ташхислашда ва даволашда қўлланилади.


Калит сўзлар: Цефалограмма,ТРГ, Неувитт.

Мавзунинг долзарблиги .Трансверзал йўналишдаги анамалиялар ташхислашда фронтал проекциядаги телерентгенограмманинг ўрни жуда катта аҳамиятга эга. Фронтал телерентгенограмма –(Posterior-anterior cephalometry) бўйича кўплаб авторлар –Rickets, Grayson, Neuwitt, Grummons бошқалар изланишлар олиб боришган. Дастлаб, фронтал телерентгенограмма нимага асосланганлиги ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Фронтал ТРГ- Калла ,юз-жағ суяқларининг тўлиқ фронтал йўналишдаги рентген тасвири бўлиб,юз суяқларининг симметриклиги ҳақида тулиқ маълумот беради. Яъни ўнг ва чап томонларининг симметриклигини солиштирма тахлилидир. Юз Биз ушбу текширувимида А.В. Неувитт усулига асосланиб,ўзбек популяцияси вакилларида теширувлар олиб бордик. Неувитт фронтал ТРГ да ўзига хос учбурчаклар уйғунлигини яратган бўлиб,уни “краниофациал комплекснинг триангуляцияси” деб атаган.[//////]

Текширувнинг мақсади: Ўзбек популяциясининг нормал физиологик прикусли вакилларида фронтал телерентгенограммасининг “Неувитт” бўйича цефалометрик кўрсаткичлари аниқлаш ва трансверзал анамалияси мавжуд беморлар диагностикасида қўллаш.

Материал ва усуллар:текширув ҳаммаси бўлиб 71 та (40 эркак ва 31та аёл) физиологик прикусли ўзбек популяциясининг вакилларида олиб борилди. Уларда“Неувитт” бўйича фронтал телерентгенограммасининг цефалометрик кўрсаткичлари аниқланди.

Юз қисмларини ўнг ва чап томонда маълум қисмларга ажратиб, уларда учбурчаклар ҳосил қилинади ва ўнг-чап томонларнинг симметриклигини таққослаймиз.(Схематик расм 1).




- | | |
|-----------------------------|---------------------------|
| A. Cranial base region | E. Lower maxillary region |
| B. Lateral maxillary region | F. Dental region |
| C. Upper maxillary region | G. Mandibular region |
| D. Middle maxillary region | |

Бу бўлимда фронтал проекциядаги ТРГда калла-юз комплекси учбурчаклар ёрдамида ажратилади ва “краниофациал триангуляцияси” ҳосил бўлади.

“Neuwitt” бўйича краниофациал триангуляциясида учбурчакларнинг аниқ кўрсаткичли меъёри қабул қилинмаган, аммо ўнг ва чап томондаги учбурчакларнинг бурчаклари бири-бирига таққосланади.

Краниофациал триангуляциясини қуйидаги асосий соҳаларга ажратилади (Расм 2).



А-калла (краниал) асос. (cranial base-CB)

В-юқори жағнинг латерал соҳаси – lateral max.region-LMR

С-юқори жағнинг юқориги соҳаси – uppermaxillary region-UMR
 D-юқори жағнинг медиал соҳаси – middle maxillary region-MMR
 E-юқори жағнинг пастки соҳаси – lower maxillary region-LMR
 F-дентал соҳа – dental region-DR

G-мандибуляр соҳа – mandibular region-MR

Юқорида келтирилган соҳаларнинг чегаралари:

- A) Cranial base – Cg дан Co нинг энг юқориги чуққи нуқтаси ва Co.нинг медиал чўққиси орасидаги масофа Cg-UpCo-MesCo
- B) Lateral maxillary region – Cg.дан Mastoideus чўққисига ва J нуқталаридан ҳосил бўлган учбурчаклар
- C) Upper maxillary region – Cg.дан ANS.га ва J.га чизиклар тортилади ва ўзаро туташтирилиб учбурчак ҳосил қилинади.
- D) Middle maxillary region – ANS.дан J ва UpM.га чизиклар ўтказилиб, туташтирилади ва учбурчаклар ҳосил қилинади.
- E) Lower maxillary region – ANS.дан UpM.га ва A нуқталар чизиклар тортилади ва туташтирилади. Учбурчак ҳосил қилинади.
- F) Dental region – Up.M.дан Up.L.га ва A нуқталарига чизиклар тортилиб туташтирилади ва учбурчак ҳосил қилинади.
- G) Mandibular region – Co.нинг энг чўққисидан Me ва Ag нуқталарига чизик тортилади, туташтирилади ва учбурчак ҳосил қилинади.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.

Текширилаётган физиологик прикусли ўзбек популяцияси вакиллариининг фронтал телерентгенограммаларида “Heuwitt” бўйича юқорида санаб ўтилган краниофациал триангуляцияси учбурчакларнинг цефалометрик кўрсаткичлар аниқланди ва жадваллаштирилди. (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбек популяцияси вакилларида Craniofacial триангул яция ўлчамларининг натижалари.

	Эркак		Аёл		Ўртача	P
	L	R	L	R		
A	6.3±0.12	6.5±0.12	6,5±0,16	6,6±0,18	6.7±0.8	<0,01.
B	14.0±0.49	13.9±0.50	16,2±0,68	16,0±0,80	17,2±1.1	<0,01
C	27.3±0.35	27.7±0.41	27,4±0,40	27,3±0,38	30.2±1.2	<0,05
D	56.4±0.81	56.8±0.72	43,7±0,91	43,2±0,83	57.4±0.8	>0,05
E	42.1±0.46	41.7±0.50	31,7±0,91	32,1±0,83	44.3±0.71	>0,05
F	29.4±0.86	28.04±1.08	32,1±0,96	31,7±1,14	33.4±1.2	>0,01
G	118.0±0.69	115.9±2.79	121,0±1,23	122,1±1,16	125±1.18	>0,05

1-жадвалдан кўриниб турибдики, физиологик прикусли ўзбек популяцияси вакиллариининг фронтал телерентгенограммаларида “А” соҳасининг учбурчакларидаги бурчакларининг ўлчовлари деярли бир ҳил .“В”- соҳасида эркакларда сезиларли даражада пастрок,аммо аёлларнинг кўрсаткичларида деярли фарқ аниқланмади. “С”- соҳасида иккала жинс

вакилларида ҳам таққосланаётган гуруҳ вакилларига нисбатан биров тафовут аниқланди. “D”- соҳасида биз текшираётган гуруҳ вакилларида иккала жинс вакиллари натижаларида ўзаро солиштирилганда сезиларли даражада фарқ аниқланди ва таққосланаётган гуруҳ вакилларига нисбатан олганимизда эркакларнинг “Middle maxillary” соҳасининг ўлчамлари деярли бир хил эканлиги маълум бўлди. “E”- соҳаси кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, эркаклардаги “Lower maxillary” соҳасидан олинган натижалар таққосланаётган гуруҳ вакиллари билан деярли бир хил (P), аммо аёлларники сезиларли даражада фарқ қилиши жадвалдан кўриниб турибди. “F”- соҳаси кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, текшираётган гуруҳимиз вакилларида аёлларники нормага биров яқин, аммо эркакларнинг F соҳасининг кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилади (P). “G”- соҳасининг кўрсаткичларининг натижаларига кўра “Mandibular” соҳасининг бурчаги иккала жинс вакилларида ҳам ўзаро ва таққосланаётган гуруҳ вакилларида ҳам тафовутни кўришимиз мумкин.

Демак, биз текширув олиб бораётган физиологик прикусли ўзбек популяцияси вакилларида ўнг ва чап томон ўлчовлари тенг. Аммо эркаклар ва аёлларнинг цефалометрик кўрсаткичларида биров тафовут аниқланди. Бунинг сабабини эркакларда аёлларга нисбатан тананинг бошқа қисм суяклари каби юз қисми ҳам кенг, йўғон ва йирикроқ эканлиги ўз исботини топди.

ХУЛОСА.

1. Ўзбек популяцияси физиологик прикусли вакиллари нинг “Heuwitt” бўйича фронтал телерентгенограммасининг цефалометрик кўрсаткичлари аниқланди
2. Краниофациал учбурчаклар симметриклигини ортодонтия ва ортогнатик хирургия йўналишидаги диагностикасида жуда муҳим аҳамиятга эга, айнан қайси соҳада носимметриклик аниқланса, ўша соҳадаги муаммолар бартараф қилинади.

Адабиётлар:

1. Posnick JC. Principles and Practice of Orthognathic Surgery: Elsevier Health Sciences. 2013.
2. Sarver DM. Esthetic orthodontics and orthognathic surgery: Mosby Incorporated; 1998.
3. Ordobazari M, Al-Hosseini AAN, Zafarmand AH. A novel approach for craniofacial symmetry evaluation: Using the midsagittal Reference line drawn from “Crista Gali” with NHP technique. Novelty in Biomedicine. 2013;1:48-53.
4. Argyropoulos E, Sassouni V. Comparison of the dentofacial patterns for native Greek and American-Caucasian adolescents. 1989;95: 238-249.
5. Proffit WR, Fields Jr HW, Sarver DM. Contemporary orthodontics: Elsevier Health Sciences; 2014.
6. Athanasiou A, Van der Meij A. Posteroanterior (frontal) cephalometry. Orthodontic cephalometry London: Mosby-Wolfe. 1995;141-61.
7. Davoody PR, Sassouni V. Dentofacial pattern differences between Iranians and American Caucasians. American journal of orthodontics. 1978;73:667-75.
8. Hamdan AM, Rock WP. Cephalometric norms in an Arabic population. 2001;28: 297-300.